

## Форс кўрфазида нефть геосиёсати

Жиззах ДПИ ўқитувчиси Тўраев Аббор

Бугунги кунга келиб стратегик минтақалар у ердаги мавжуд энергетик ресурслар асосида тавсифланмоқда. Хусусан, нефть-газ захиралари энергетика ресурсларига бой минтақаларда кечаётган геосиёсий ва геоиқтисодий рақобат учун асос бўлмоқда. Глобаллашув ва иқтисодий тараққиёт жаҳон ҳамжамияти эътиборини мазкур рақобатга қаратди. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг нефть-газ ресурсларга бўлган талабининг ортиб бориши миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида энергетик хавфсизлик масаласининг долзарбланишига олиб келди. Ҳозирги кундаги аксарият ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик актлари ва “рангли инқилоблар” бевосита энергетика билан, хусусан, нефть-газ геосиёсати билан узвий боғлиқликка эга. Шу жиҳатдан нефть-газ ресурсларига бой минтақаларнинг геосиёсий аҳамияти янада ортиб бормоқда. “Энергетика – тараққиётнинг калити, керак бўлса, манбаи. Бугунги кунда энергетика соҳаси тараққий этмаса, бирон-бир соҳа ёки тармоқ ривож топмайди. Нафақат ишлаб чиқариш соҳаси, балки одамзотнинг кўпгина кундалик эҳтиёжларини қондириш масалалари ҳам ҳар жиҳатдан энергетикага бориб тақалишини, шу сабабли бу масала ҳозирги вақтда муҳим геополитик масалага айланиб борапти”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ҳозирги кунда ҳар бир мустақил давлат ўз ташқи сиёсати йўналишларини белгилаб олишида энергетика ресурслари омилига алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон борасида, мамлакатимизнинг энергетик салоҳияти борасида фикр билдирар экан, Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга : “Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказидир. Бу ярим ҳалқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т.14. - Т.:Ўзбекистон, 2006. – Б.106.

мавжуд”<sup>2</sup>. Бундай шароитда энергия манбалари мавжуд минтакаларда минтақавий бўлмаган (бевосита минтақада жойлашмаган) давлатларнинг геосиёсий ва геоиктисодий манфаатлари тўқнашувининг кескин тус олиб бораётганлиги минтақавий хавфсизликни таъминлашда энергетик хавфсизлик омили ва давлатлар ташқи сиёсатида нефть геосиёсатининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Форс кўрфази минтақаси ўзининг улкан нефть ва газ захиралари билан доим жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборини тортиб келган. Бу ерда дунёда аниқланган нефть захирасининг 60%, газ захирасининг эса 40% жойлашган<sup>3</sup>. Шу билан бирга уларни қазиб олиш ва экспорт қилиш бўйича ҳам минтақа давлатлари жаҳон энергетика сиёсатининг етакчи субъектлари ҳисобланади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка дунёнинг энг йирик нефть ва газ ишлаб чиқарувчилари ва экспортчилари жойлашган минтақа ҳисобланади<sup>4</sup>. Минтақа давлатлари халқаро нефть савдосида 40 % ва газ савдосида 20 % улушга эга, йирик углеводород экспорт қиладиган давлатлар қаторига киради.

Форс кўрфази муҳим геостратегик ҳудуд ҳисобланиб, улкан иқтисодий ва сиёсий салоҳиятга эга сиёсий бирликлар (суверен давлатлар), геосиёсий чизиқлар, хусусан, транзит имкониятларининг кенглиги, нефть-газ қувурлари, танкерлар қатнови учун қулай Ҳормуз бўғози каби омилларни ўзида жамлаган улкан геосиёсий минтақа ҳамдир. Минтақадаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар бевосита ҳудудий омиллар билан боғлиқ. Бундай муносабатларнинг асосида нефть-газ ресурслари ётганлиги инобатга олинса, Форс кўрфази араб давлатлари муносабатлари миллий давлатларнинг минтақадаги геосиёсати билан боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Айниқса, энергетик ресурсларни қазиб олиш ва жаҳон бозорига чиқариш масаласи минтақадаги геосиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 12

<sup>3</sup> Биргина Саудия Арабистони дунёда нефть хом ашёси захираси энг катта давлат ҳисобланиб, умумдунё текширилган ресурсларнинг тўртдан бир қисми, ОПЕК захираларининг 33 % ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

<sup>4</sup> ОПЕКнинг мавжуд 12 аъзосидан 8 таси ва Газ Экспорт қилувчи Давлатлар Форумининг (ГЭДФ) 11 аъзосидан 5 таси мазкур минтақада жойлашган.

Классик геосиёсий назарияларда Форс кўрфази Римланднинг бир қисми сифатида эътироф этилган бўлса, кейинги даврларда мазкур минтақа Ҳартланд ёки марказнинг марказига айланган деган қарашлар юзага келди<sup>5</sup>. Шу билан бирга минтақа ва унинг асосий йўлаги Ҳормуз бўғози борасида турли хил геосиёсий концепциялар шакллантирилди. Геосиёсат назариётчиларидан Н.Спайкменнинг таъкидлашича, давлатларнинг ёқилғи эҳтиёжларини таъминлашларида Ҳормуз бўғози омилининг етакчилиги бутун бир Форс кўрфази минтақасини геостратегик муҳим ҳудуд сифатида қабул қилинишга сабаб бўлмоқда<sup>6</sup>.

Нефть Форс кўрфазида XX аср бошларида топилган бўлиб, 1908 йилда ташкил қилинган Англо-Форс нефть компанияси қазиб олишни бошлади. Шу даврда нефть Буюк Британия учун муҳим хом ашёга айланди. Бош вазир У.Черчилль сиёсатида, мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий стратегияларида нефть етакчи омил ҳисоблана бошланди. Минтақадан нефтнинг топилиши Форс кўрфази нафақат Буюк Британия учун, балки нефтга эҳтиёжманд барча давлатлар учун муҳим ҳудудга айланди. Ва ўз навбатида дунёнинг саноатлашган давлатлари қизиқишининг ортиши билан Форс кўрфази нефти минтақа геосиёсий манзарасини намоён этди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Б.Британия ҳарбий денгиз кучлари учун ёқилғи сифатида нефтдан фойдаланиш тўғрисидаги қарор энергетик хавфсизлик тушунчасининг юзага келиши ва Форс кўрфази нефть геосиёсати шаклланишининг дастлабки босқичи бўлди. Чунки Б.Британия ёқилғи эҳтиёжлари Форс кўрфази нефти таъминотида асосланиши лозим бўлди<sup>7</sup>.

Форс кўрфази нефть геосиёсати шаклланишининг кейинги босқичи иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда минтақадаги нефть саноатининг миллийлаштирилиши билан боғлиқ. Хусусан, 1951 йилда Эрон ҳукумати ўз нефтини миллийлаштирди. Бундан ташқари, 1956 йилда

---

<sup>5</sup> Asgar Jafari Valdani. *New Geopolitics of the Red Sea and the Persian Gulf.*:Tehran. The Institute for Political and International Studies. 2005. – P.6

<sup>6</sup> Dikshit R.D. *Political Geograhgy. The Spatiality of Politics.* New Delhi.: McGraw-Hill Publication Company Limited.2004. – P.196

<sup>7</sup> Денчев К.,Златев В. *Нефть, газ и геополитика.*:София. 2000. - С.33-34.

Мисрнинг Сувайш каналини миллийлаштириши Ғарб давлатлари иқтисодиёти учун асосий таҳдид сифатида баҳоланди. Чунки биргина 1955 йилнинг ўзида мазкур сув йўли орқали Европага 67 млн. тонна нефть етказиб берилган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда ҳокимиятга келган араб сиёсий етакчиларидан бири Мисрнинг собиқ президенти Ж.А.Носир биринчилардан бўлиб нефть омили аҳамиятини англади. У ўзининг “Инқилоб фалсафаси” китобида нефтни араб оламининг уч асосий куч - қудрат манбаларидан бири сифатида баҳолайди, ҳамда нефть бу— ғарб цивилизацияси қудратининг марказий манбаи эканлигини таъкидлайди<sup>8</sup>.

Нефть геосиёсати шаклланиш эволюциясида 1960-йиллардаги Ғарб нефть компаниялари ўртасидаги рақобат минтақа давлатларининг нефть нархларини мустақил белгилашлари ва эркин энергетик сиёсати олиб боришга ундади. Бундай ҳаракатлар натижасида 1960 йилда нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти(ОПЕК) ташкил қилинди. Жаҳон геосиёсатининг яна бир янги субъекти юзага келтирилди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ бўлган кейинги тўлқин 1973 йилги нефть инқирозининг юз беришидир. Жаҳон геосиёсатида “Нефть қуроли”дан фойдаланиш амалиёти кузатилди. Нефтьдан расмий сиёсий босим сифатида фойдаланилди. Араб дунёси мамлакатлари яқдиллигининг дунё миқёсидаги сиёсий ва иқтисодий аҳамияти шунда намоён бўладики, у жаҳон нефть бозоридаги вазиятга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишга қодирдир. Биринчи марта бу 1973-1974 йилларда “энергетик танглик”даврида намоёиш этилди. Октябрь уруши (1973 йилги араб-исроил уруши) чоғида Ғарб мамлакатлари Исроилни қўллаб-қувватлаганига жавобан ОПЕК мамлакатлари жаҳон бозорига нефть етказиб беришни тўхтатиб қўйдилар<sup>9</sup>. Мазкур нефть эмбаргоси ОАПЕК аъзо давлатлари<sup>10</sup> ( БАА, Ироқ, Қувайт ва С.Арабистони) ва Эрон қарори билан

---

<sup>8</sup> Насер Г.А. Фалсафат ас – Саура(Философия революции):Каир,1954. – С.185.

<sup>9</sup> Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. –Т.: ЖИДУ, 2005. - Б.96.

<sup>10</sup> Ҳозирда бу ташкилотга 11 та мамлакат аъзо: Жазоир, Миср, Баҳрейн, Ироқ, Қувайт, Қатар, Ливия, С.Арабистони, Сурия, Тунис ва БАА.

эълон қилинган эди. Унга кўра мазкур давлатлар АҚШ ва Нидерландияга нефть етказиб беришни тўхтатиш ва нефть нархини ошириш ва ҳар ойда ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш назарда тутилган.

1990 йилги 1-Форс кўрфази уруши ва 2003 йилги 2-Форс кўрфази уруши минтақадаги нефть геосиёсатининг навбатдаги шаклланиш босқичлари бўлди.

Форс кўрфази нефть геосиёсатининг замонавий манзараси Эрон ядровий дастури билан боғлиқ ҳолда Ҳормуз бўғози атрофида кечаётган сиёсий танглик ва “фаол демократлаштириш”га қаратилган “араб баҳори” инқилобий жараёнлари ва геосиёсий рақобатда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда кузатилаётган Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий инқирозлар нефть ва газ ишлаб чиқариш суръатларига салбий таъсир кўрсатди ва минтақанинг келгусидаги энергетик таъминоти борасидаги шубҳаларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Минтақадаги бир қанча экспортёр давлатлар халқаро энергетика бозоридаги барқарорликни таъминлаш чораларини қидириш билан бир вақтда асосий ишлаб чиқарувчи давлатларда сиёсий инқирозларнинг кенг ёйилиб кетишидан хавотирга тушишган. Бундан ташқари, Эрон билан боғлиқ Ҳормуз геосиёсий чизиги Форс кўрфази нефть геосиёсатининг муҳим атрибутидир<sup>11</sup>.

Юқоридаги омиллар ва Форс кўрфази хавфсизлик тизими шаклланиш эволюциясидан келиб чиқилган нефть геосиёсати стратегик хом ашёни қаердан ва қанча миқдорда, қайси манфаатдор субъектлар билан келишилган ҳолда қазиб олиш, нефтни қандай йўналишлар орқали экспорт қилиш ва бу жараёнда қандай сиёсий йўл тутиш, энергетика соҳасида кимлар билан ҳамкорлик қилиш каби масалаларни қамраб олади. Шу жиҳатдан Форс кўрфазидаги нефть геосиёсати ўзида бир қатор минтақавий ва халқаро

---

<sup>11</sup> Дунёда қазиб олинаётган нефтнинг 50 % Ҳормуз, Малакка ва Баб – ал Мандаб бўғозлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилади. Шу билан бирга мазкур йўналишлар энг хавфли транспорт йўналишлари ҳисобланади. Ҳормуз бўғозидан кунига ўртача 20-30 та танкерлар катнови амалга оширилади. Ҳар кунлик дунё нефть талабининг 25% Ҳормуз йўналиши орқали етказилиб берилади. Форс кўрфази минтақаси давлатларининг 88% бензин маҳсулоти айнан Ҳормуз орқали экспорт қилинмоқда. Бўғоз орқали танкерларда кунига 16-17 млн баррел нефть ташилмоқда.

омилларни намоён қилади. Бундан ташқари, минтақа давлатларида кечаётган фаол демократлаштириш сиёсати, сиёсий инқилоблар жараёни нефть геосиёсатининг анъанавий ривожланиш хусусиятларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Янгича шаклланаётган ташқи сиёсий стратегиялар ва муносабатлар энергетика соҳасига ҳам таъсир кўрсатади ва нефть геосиёсати таркибий тузилмасининг қайта шаклланишини тақозо этади. Халқаро энергетик муносабатлар тизимида нефть омили етакчилик қилар экан, Форс кўрфази араб давлатларида кечаётган геосиёсий жараёнлар тўлқини (“рангли инқилоблар” ва “араб баҳори”) ва Эронга нисбатан амалга оширилаётган халқаро босим ўз навбатида нефть геосиёсатининг ўзгаришига олиб келувчи омиллар ҳисобланади.